O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 23 октябрь ШАНБА
№ 84 (12.304)
1928 йил 11 декабрда асос солинган
Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
www.th.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**22 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини, шунингдек, 2011 йил учун мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий ҳужжатларини, шу жумладан, 2011 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини, Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқишга бағишланди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика Ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Республикада иқтисодиётни ривожлантиришнинг танланган ўз модели ва ўз вақтида қабул қилинган 2009-2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 8,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 7,8 фоизни, хизматлар ҳажмининг ўсиши 11,2 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 9 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ортиқ бўлмади.

Мамлакатимизнинг экспорт қилувчиларини қўллаб-қувватлаш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва янги ташқи бозорларни ўзлаштириш бўйича самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши маҳсулотлар экспорти ҳажмини 10,9 фоизга кўпайтиришни таъминлади.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида 2010 йил Инвестиция дастурига киритилган объектларни ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган дастурларни амалга ошириш бўйича ишларнинг ҳолатини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

2010 йил январь-сентябрь ойларида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар 8,1 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 15,1 фоизга ўсди. Ўтган даврда 867 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, 156 та инвестиция лойиҳасини, шу жумладан енгил саноат, тўқимачилик, озиқ-овқат, нефть-кимё, электротехника, фармацевтика саноатида, машинасозлик, металлургия ва бошқа соҳаларда модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш тугалланди.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори 2010 йил инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни ва объектларни ишга туширишни жадаллаштириш, шунингдек 2011 йилдан бошланадиган инвестиция лойиҳалари бўйича жорий йил охиригача лойиҳа-смета ва тендер ҳужжатларини тасдиқлаш, технологик асбоб-ускуналар етказиб беришга ва пудрат ишларини бажаришга шартномаларни тузиш билан боғлиқ жараёнларни якунлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш, шунингдек, қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларида 191 км узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш якунланганлиги, автомагистраль бўйлаб 41 та йўлбўйи инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилганлиги алоҳида қайд этилди.

"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ маблағлари ҳисобига қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтириш дастури доирасида қишлоқ тураржой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 3597 та уй ва 85 та ижтимоий инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди. Республика бўйича 1965,8 км водопровод тармоқлари ишга туширилди, шу жумладан, қишлоқ жойларда – 1298,1 км.

Мажлис давомида рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва уларнинг турларини кўпайтириш, улар билан ички бозорни барқарор тўлдириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилишга жиддий эътибор берилди.

(Давоми 2-бетда).

### ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



## УНГА ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

**Пискентлик Сайёра Ҳожиева илғор фермерлардан. "Мен аёл кишиман, ўзимни ўтга-чўққа уришим шарт эмас", деган фикр унга бутунлай ёт. Унинг шижоати ва ғайратига кўплаб фермерлар ҳавас қилишади.**

11 йилдирки, илғорлар сафидан аллақачон муносиб ўрин эгаллаган "Ҳожиев Даудбек" фермер хўжалигига бош-қош. Унинг аъзолари ҳар йили пахта ва ғалла шартномаларини ортиғи билан бажаришади. Чунки фермер ҳисоб-китобга уста. Одамларнинг бошини қовуштириш, қизиқтириш, ҳар бир ишни вақтида, пухта бажаришда шахсан ўзи намуна.

Хўжалик бу йил 36 гектар майдонда пахта етиштирди. Ҳосилдорлик чакки бўлмади. Режадаги 85 тонна ўрнига 105 тонна пахта юқори навларга сотилди.

Ғалла бўйича ҳам кўрсаткичлар кўнгилдагидек бўлди. 47 гектар майдонда 170 тонна ғалла етиштириш мўлжалланганди. Хирмон 245 тонна бўлди.

Дарвоқе, Сайёра Ҳожиева ва фермерликнинг эпидан чиқишида унга турмуш ўртоғи Неъмат Ҳожиев кўмакдош. У хўжаликда механизаторлик қилади. Тўрт забардаст ўғил хўжаликнинг юкини ерда қолдиришмаяпти. Бу оилага ҳар қанча ҳавас қилсангиз арзийди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**СУРАТДА:** фермер Сайёра Ҳожиева.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарори*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР ВА ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ КЕНГАШЛАРИНИНГ ТУМАНЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАКЛИФЛАРИ ҲАҚИДА

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар ва Янгийўл тумани Кенгашларининг 2010 йил 14 октябрдаги қарорларини кўриб чиқиб, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар ва Янгийўл тумани Кенгашларининг 2010 йил 14 октябрдаги 5/1 ва 4/1-сонли қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига ҳамда "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳар ва Янгийўл тумани ҳудудларини бирлаштириш ва Янгийўл шаҳрини туман бўйсунуви тоифасига ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан сўралсин.

3. Жойларда билдирилган таклифларга асосан янги ташкил этилган туманнинг маъмурий марказини "Янгийўл шаҳар" этиб белгилаш сўралсин.

**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Р. ХОЛМАТОВ.**

2010 йил 15 октябрь.

### ИФТИХОР

## ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ИФОДАСИ



**Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоятда тайёрланган ялпи ҳудудий маҳсулот 4049,9 миллиард сўмликка етди.**

Бу вилоятимизда иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашаётгани, муҳим истиқболли лойиҳалар ва узоқни кўзловчи ҳаётий дастурлар изчил амалга оширилаётганининг ёрқин ифодасидир.

### 25 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

## ОЗОД ЮРТНИНГ ОГОҲ ПОСБОНЛАРИ

**Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда, шубҳасиз, ички ишлар идоралари ходимларининг хизматлари катта. Жумладан, вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ҳам юрт осойишталигини асраш, энг улуғ, энг азиз неъмат – мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар.**



Ўтган йиллар давомида ижтимоий-сиёсий ҳаётда улкан ўзгаришлар рўй берди. Халқимиз онгу-шуурида мустақилликни мустаҳкамлашдек муқаддас туйғу янада ёрқинлашди. Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, юртдошларимиз кўнглидаги хотиржамлик ўтаётган ҳар бир куннинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидай асраб, ҳимоя қилишга ундамоқда.

Бу вазифани сидқидилдан адо этиш эса, бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, ички ишлар идоралари ходимларидан аввало, юртга меҳр-муҳаббат, касбга садоқат билан бир қаторда қатъий интизом ва юксак маънавият эгаси бўлишни талаб қилади. Шунинг учун вилоят ИИБ ўз ходимларининг касбий ва жисмоний тайёргарлиги, ҳуқуқий билим даражаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратади.

(Давоми 2-бетда).

### ПАХТА – 2010



**Вилоятимиз деҳқонлари аллақачон давлатга пахта етказиб бериш бўйича контрактация шартномасини ёруғ юз билан адо этган бўлишларига қарамай, бугун пахтазорларда ҳосил йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Барчанинг диққат-эътибори саховатли куз фаслининг илиқ-иссиқ кунларидан оқилона фойдаланиб, чаноқлардаги "оқ олтин"ни имкон қадар нест-нобуд қилмай саранжомлаб олиш, пировардида тармоқдан келадиган иқтисодий самарадорликни янада оширишга қаратилган.**

## МЕҲНАТ БОРКИ, РАҒБАТ БОР

Дарҳақиқат, бутун мамлакатимиз деҳқонлари қатори вилоятимиз пахтакорларининг ҳам қисқа фурсатда юксак ва залворли хирмон уйишга муваффақ бўлганликларининг ўзак омиллари бисёр. Шу нуқтаи назардан бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап борганда, мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида ғоят ўринли таъкидланганидек, қишлоқ меҳнаткашларининг юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатиб, ишни тўғри ва оқилона ташкил этиш ҳисобига бу йилги ҳосилни пахтачилик тарихимизда кам учрайдиган ғоят қисқа муддатда йиғиб-териб олишга эришилганини қайд этиш жоиз.

Хусусан, айни шу жиҳат вилоятимизда бу йилги пахта мавсумида янада яққолроқ намоён бўлди, десак янглишмаймиз. Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишнинг ташкилий жиҳатлари шундай оқилона ҳал этилдики, натижада бу мавсум уюшмаган аҳоли кўмагидан самарали фойдаланилди, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимининг пухталиги пахтакорларни улкан марра сари руҳлантирди, кучига куч қўшди.

Бу борада айниқса, вилоят ҳокимининг "2010 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан, қисқа муддатларда йиғиб-териб олишнинг ташкилий жиҳатлари тўғрисида"ги фармойишида белгиланган чора-тадбирлар нечоғлик аҳамиятли бўлганлигини таъкидлаш лозим.

– Фармойишга мувофиқ, вилоятимиздаги пахта етиштирувчи 9 та туманда теримчиларга юқори даражада маданий-маърифий ва тиббий хизмат кўрсатиш, мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида махсус ишчи гуруҳ шакллантирилди, – дейди мазкур гуруҳга раҳбарлик қилаётган вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Худди шундай гуруҳлар жойларда ҳам тузилди. Мавсум бошидан буён ҳар куни тушлик вақтида бевосита пахта далалари ва шийпонларда, теримдан сўнг ётоқхоналарда пахтакорлар учун махсус режа-жадвал асосида кўнгилочар дастурлар, концертлар, миллий бадиий фильмлар намойиш этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Вилоят ҳаёти ● Вилоят ҳаёти ● Вилоят ҳаёти

#### ПИСКЕНТ ТУМАНИ

## МАҲАЛЛА ОРАСТАЛАНДИ

Туманнинг "Навоий" ва "Митон" маҳаллаларида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Унда маҳалла аҳли фаол иштирок этди.

Ариқ, қувурлар, йўл ва йўл четлари хазонлардан тозаланди. Қабристонларнинг атрофи тартибга келтирилди.

**Анвар ҲИДИРОВ.**

#### ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## УЙ ҚУРУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

**Ёш фермер ва хўжалик аъзоларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўртачирчиқ туманидаги Оқота қишлоқ фуқаролар йиғини биносида аҳоли билан учрашув бўлиб ўтди.**

Унда ҳудуд фермерлари, банк ходимлари, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари иштирок этди.

Тадбирда фермерларга бериладиган имтиёзли кредитлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, Қумовул қишлоқ фуқаролар йиғинида 14 та, Оқота қишлоқ фуқаролар йиғинида 12 та янги объект қурилиши борасида келишиб олинди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

## МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига асосан бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Мукофотланганлар орасида вакилларимиздан вилоят Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш муассасаси бўлим бошлиғи **Якубович Александра Дмитриевна** ("Дўстлик" ордени билан) ва Бўстонлиқ тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили **Жўраев Улуғбек Тўрабековичнинг** ("Жасорат" медали билан) борлиги қувонарлидир. Биз уларни чин дилдан қутлаймиз.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ишлаб чиқарувчи корхоналарга кенг солиқ имтиёзлари берилганлиги ва уларни кредитлаш орқали қўллаб-қувватлаш кенгайтирилганлиги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 12 фоизга ўсишини таъминлаганлиги алоҳида таъкидланди. Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баравар, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,3 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, "Ўзбекенгилсаноат", "Ўздонмаҳсулот" компаниялари, "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзбекчармпойабзали" уюшмалари, "Ўзфармсаноат" концерни, бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари олдига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, улар билан ички бозорни янада тўлдириш ва экспортга етказиб беришни кўпайтириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турларини ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни якунлашни жадаллаштириш, шунингдек, қиш-баҳор даврида аҳоли эҳтиёжларини барқарор ва ишончли тарзда қондириш мақсадида ғамланган захирани тизимли равишда бозорга чиқарилишини таъминлаш топширилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бир қатор вазирликлар, идоралар, "Ўзбекэнерго" ва "Ўзтрансгаз" компаниялари раҳбарларининг ҳисоботлари давомида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондининг 2010-2011 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор ишлашини, шу жумладан, газ етказиб берувчи ва энергия билан таъминлайдиган объектларнинг барқарор ишлашини, табиий газ ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун уларнинг шахсан жавобгар эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсати концепциясини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини таҳлил қилиш мажлис қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг ялпи ички маҳсулот, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ишлари ва хизматлар ҳажми ўсишининг барқарор юқори суръатлари сақланиб қолишини, инфляция даражасининг ошиб кетмаслигини назарда тутадиган 2011 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича таклифлари кўриб чиқилди ва умуман қўллаб-қувватланди.

Кўриб чиқиш жараёнида 2011 йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Давлат бюджети лойиҳасида иқтисодиётга солиқ юкини янада қисқартириш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ўстириш, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг манзилли бўлишини кучайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва фанни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш назарда тутилганлиги қайд этилди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш доирасида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг базавий ставкасини 7 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш ҳамда уни тўлашнинг такомиллаштирилган тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган жисмоний шахслар даромадига солиқнинг биринчи шкаласи (5 та минимал иш ҳақи миқдоригача даромад) бўйича ставкани 11 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш ва иккинчи шкаласи (5 дан 10 та минимал иш ҳақи миқдоригача даромад) бўйича 17 фоиздан 16 фоизгача пасайтириш аҳоли даромадига солиқ юкини янада камайтиришни таъминлайди. Жисмоний шахслар даромадига солиқ ставкаларини камайтириш бўйича таклиф этилаётган мазкур чоралар натижасида амалда ишловчи аҳолининг барча гуруҳлари манфаат кўради.

Муҳокама натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2011 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий кўрсаткичларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини умуман маъқуллаш ва уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди. Меҳнат бозорини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида 784,9 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 502,4 мингта янги иш ўрни яратилганлиги қайд этилди.

Аҳоли бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни фаол давом эттиришнинг муҳимлиги ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда республика Ҳукумати мажлисида 2011 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси сенаторлари ва депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари депутатлари қатнашдилар.

Мазкур Дастур лойиҳасида 2011 йилда қўшимча равишда 956,2 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига 477,8 мингта, касаначиликнинг барча шаклларини кенгайтириш ҳисобига 216,2 мингта, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 72,8 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилади.

Корхоналар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликларнинг раҳбарларига янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал этиш ва шу асосда одамларнинг даромадлари, фаровонлиги ва ҳаёт сифатини янада юксалтириш учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Кўриб чиқиш натижалари бўйича 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси маъқулланди ва уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорларда республика Ҳукуматининг жорий йил 29 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш, келгуси йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ТЎЙ-МАРОСИМ МАСЪУЛИЯТИ

**Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқарувининг маҳалла фуқаролар йиғинларидаги яраштириш, тўй ва маросимларни тартибга солиш комиссиялари фаолиятининг таъсирини кучайтириш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, тўйхона ва маросимлар уйлари раҳбарлари масъулиятини оширишга оид "Тўйларимиз маърифати" услубий рисоласини нашр этиш ҳақидаги раёсат қарори ижроси юзасидан вилоят бошқаруви раёсати қарор қабул қилди.**

Унга кўра, жойларда тўй ва бошқа маросимларни назорат қилиш бўйича гуруҳлар тузиш, ўтказилган мониторинг натижалари ҳақида ҳар чорак якунида ҳисоботларни тинглаб бориш кўзда тутилган. Бу борада маҳалла фаоллари зиммасидаги масъулият, шахсий жавобгарлик масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

**25 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**



## ОЗОД ЮРТНИНГ ОГОҲ ПОСБОНЛАРИ

Бу борада вилоят ИИБнинг идора ва тизимларида мунтазам ўтказиб келинаётган маърифат дарсларининг аҳамияти катта. Тадбирларга асосан олимлар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намоёндалари таклиф этилиб, улар билан очиқ мулоқот, баҳс-мунозаралар ташкил этилади.

Ватан маҳалладан бошланади, дейди доно халқимиз. Ҳозирги кунда вилоятдаги ўзини-ўзи бошқариш идораларида фаолият юритаётган профилактика инспекторлари ўз ҳудудлари барқарорлиги йўлида маҳалла посбонлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўсмирлар ва ёшлар ўртасида профилактик тадбирлар ўтказмоқдалар. Йил давомида вилоят ҳудудидаги барча таълим муассасаларида тасдиқланган режа асосида ёшлар орасида жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган учрашувлар ташкил этилиб, жиноят кўчасига кирган ёшларнинг ҳаётидан ҳикоя қилувчи "Бебошлик балоси" номли фильм намойиш этилди.

Мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўтказилиши натижасида ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, ички ишлар тизими янгидан шаклланиб бораётир. Вилоят ички ишлар бошқармаси билан бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида тузилган тадбир режасига мувофиқ аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш, семинар ва конференциялар ўтказиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масаласида юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда ўзаро тажриба алмашув йўлга қўйилгани, айниқса, яхши самара бераяпти. Шаҳар ва туман ички ишлар идораларида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси, фуқароларни қабул қилиш хоналарида яратилган шароитлар, "Ишонч телефонлари" орқали тушаётган мурожаатларни ўрганиш жараёни, масъул раҳбарлар томонидан фуқароларни қабул қилиш жадвалларининг мавжудлиги, ариза ва шикоятларни белгиланган муддатларда кўриб чиқиш масалалари ҳам доимий диққат эътиборда.

Вилоятимиз қатор қўшни мамлакатлар билан чегарадош. Шу боис товар-моддий бойликларнинг четдан ноқонуний кириб келишининг олдини олиш ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тегишли ҳужжатларсиз қўшни мамлакатлар ҳудудига олиб ўтилишига қарши курашга оид зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаяпти.

Фурсатдан фойдаланиб, озод юртнинг барча огоҳ ва ҳушёр посбонларини касб байрамлари билан муборакбод этамиз. Юрт равнақи, Ватан тараққиёти, эл-юрт осойишталигини сақлашдек муқаддас бурчларини адо этиш йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

**Шерали АНВАРОВ, Хуршид РЎЗИЕВ,**
**вилоят ИИБ матбуот гуруҳи ходимлари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**СУРАТДА:** Бекобод туман ИИБ ходимлари (чапдан) Рустам Нажмиддинов ва Тўйчи Асқаров навбатчилик қисмида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ЗАРГАРДЕК ЗЕҲН БИЛАН

**Бугунги кунни фан-техника тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика соҳасида ҳам замонавий воситалар ёрдамида воқеа жойидан олинган кўз илғамас излар ва далилларнинг тадқиқ этилаётгани жиноятларнинг "иссиғида" очилишида қўл келмоқда.**

– Бунга эришишда биринчи навбатда воқеа жойида қолдирилган бармоқ излари ёки арзимас туюлган ашё биз учун муҳим далил ҳисобланади, – дейди вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, Н. Раймкулов. – Воқеа юз берган жойга йўл олган тезкор тергов гуруҳи олдида биринчи навбатда жиноятчи ким, жиноятни қачон ва қандай йўл билан содир этган, деган савол кўндаланг туради. Бундай вазиятда гуруҳ таркибидаги экспертдан заргарга хос зеҳн билан ҳаракат қилиш талаб этилади. Воқеа жойидан олинган биргина из ёки далил жиноятни очувчи калит бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тупроққа қоришиб ётган оддий буюм ёки соч толаси ҳам келгусида жиноятчининг кимлигини ойдинлаштирувчи омил эканлигини унутмаслик зарур. Шунинг учун бўлимдаги ҳар бир мутахассис махсус техникаларни қўллай олишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бўлим шахсий таркибининг асосий қисми билимга чанқоқ, танлаган соҳасини пухта ўрганишга ҳаракат қиладиган ёшлар. Уларга тажрибали мураббийлар бириктирилган.

Ижобий натижаларга эришишда қўл бармоқ излари, ўқ отар қуроллар ва кимёвий моддаларнинг экспертизаси, хатшунослик ва ҳужжатларнинг техник тадқиқоти каби экспертиза турларидан кенг фойдаланиляпти. Бўлимда "АДИС-СОНДА" автоматлаштирилган дактилоскопик тадқиқотлар мажмуаси мавжуд бўлиб, компьютерлаштирилган бу тизим орқали қўл бармоқ излари солиштирилади. Натижада оз дақиқалар ичида вазиятга аниқлик киритилади. Айрим ҳолларда эса бир жиноят иши юзасидан олиб келинган шахснинг қўл бармоқ изларини солиштириш жараёнида гумонланувчининг бошқа жиноятларга ҳам алоқадор эканлиги ойдинлашади. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 131 та жиноят бармоқ изларини ўрганиш орқали очилди.

Мисол учун, Қибрай туманининг Ёнариқ қишлоғида Т. Гулсара хонадонига босқинчиликни фош этиш мақсадида воқеа жойидан олинган бармоқ излари ўрганилганда улар Н. Карим, Ф. Шавкат ва А. Айдарларга тегишли эканлиги аниқланди.

Чирчиқ шаҳрида содир этилган қотиллик ҳам воқеа жойидан олинган бармоқ изларини ўрганиш натижасида тез фурсатда фош этилди.

Бўлимда шахсни аниқлаш "АСИЛ" автомат қурилмасидан фойдаланилаётгани катта аҳамиятга эга. Оғир жиноятлар, жумладан, босқинчилик, талончилик, номусга тегиш содир этилганда уларни тез очиш мақсадида гумонланувчиларнинг фотороботлари тузилади ва улардан фойдаланган ҳолда шахс аниқланади. Паспортни қалбакилаштириш мақсадида фотосуратлар ўзгартирилган ҳолатларда ҳам бу тизим ёрдамида паспортнинг ҳақиқий эгасини аниқлаш мумкин.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**



**Бўка туманидаги Турғун Ражабов номли фермерлар уюшмасининг сўнгги чаноқлардаги ҳосилни териб олаётган пахтакорлари тушки овқат чоғида "Нуроний" жамғармаси вилоят кенгаши ташкил этган мароқли суҳбатларни мириқиб тинглашди. Меҳмонлар республиканинг бу йилги улкан пахта хирмонида Бўка тумани деҳқонларининг ҳиссалари салмоқли бўлганлигини таъкидладилар.**

## ЭЪТИБОРДАН РУҲЛАНИБ

Қундуз Мадатова, Холдон Алимуродова, Роҳат Турдибоева, Мухтабар Ҳолиқулова, Зуҳра Эргашева, Турғун Чориев сингари 35 илғор теримчига жамғарманинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

– "Нуроний" жамғармаси фаоллари билан бундай учрашувлар бутун мавсум давомида теримчиларимизни руҳлантириб турди, – деди фермерлар уюшмаси раиси Э.Чўлибоев. – Терим бошланганидан буён 130 теримчи тақдирланди. Бундай эътибор 312,7 гектардаги ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай териб олишимизда пахтакорларимизга куч-ғайрат бағишлади.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

## АҲОЛИГА ГЎШТ ВА СУТ

**Оҳангарон туманидаги "Сарвар-Азиз Умарзода Рамзи" фермер хўжалиги кузги ғалла экишни туғаллади.**

Қулай об-ҳаво шароитида 170 гектар ерга уруғ қадалгани, шунингдек, вақтида ўғитлаб, суғорилгани боис, уруғ бир текис униб чиқди.

Хўжалик гўшт-сут етиштиришда ҳам юқори натижаларга эришмоқда. Бугунга қадар Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари аҳолисига 80 тоннадан ортиқ сут етказиб берилди.

**Умида ҲАЙДАРОВА.**

**ПАХТА – 2010**

## МЕҲНАТ БОРКИ, РАҒБАТ БОР

Бундай тадбирларнинг дебочаси, албатта, терим илғорларини моддий ва маънавий рағбатлантириш маросимлари билан бошланмоқда. Ҳар бир терим отрядидан кунлик терим бўйича юқори натижаларга эришган илғорлар муносиб рағбатлантирилаётган бўлса, 5 кунлик якуни бўйича пешқадамларга алоҳида совғалар ажратилмоқда. Шу ўринда мазкур хайрли ишга астойдил бош қўшган вилоятимиздаги бир қатор бошқарма ва идоралар, жамоат ташкилотларини тилга олиш ўринли. Хусусан, вилоят солиқ, Марказий банк, соғлиқни сақлаш бошқармалари, давлат санитария эпидемиология назорати маркази, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармалари, Қизил ярим ой, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, касаба уюшмалари ташкилотлари вилоят кенгаши кабилар терим илғорларини рағбатлантириб боришда вилоят ҳокимлигига яқиндан кўмаклашдилар. Шу билан бирга, вилоятимизнинг беистисно барча туман ва шаҳарларидаги хотин-қизлар қўмиталари мавсумда алоҳида ташаббус кўрсатдилар.

Бундан ташқари, терим иштирокчиларининг саломатлиги мунтазам шифокорлар назоратида бўлмоқда, ҳар бир ҳудудда уларга зарур ҳолларда малакали шифокорлар гуруҳи беминнат хизмат кўрсатмоқда. Бунинг учун 800 дан ортиқ тиббиёт ходими ҳамда пахтакор туманлардаги тез тиббий ёрдам машиналарига қўшимча равишда қолган ҳудудлардан келган 30 та тез ёрдам автоуловлари туну кун хизматда.

– Бу йилги мавсумнинг ташкилий жиҳатлари пухта бўлгани ҳақиқатдан ҳам барчамизнинг мушкулимизни осон қилди, – дейди Чиноз туманидаги "Ўринбойҳожи" фермер хўжалиги раҳбари Абдуғаффор Акромов. – Вилоят хотин-қизлар қўмитаси бошчилигидаги бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари терим айни авжига чиққан кезларда дала шийпонимизга тез-тез келиб, хўжалигимиз аъзоларига ҳам руҳий мадад бердилар, ҳам илғор теримчиларимизга ўзларининг совға-саломларини улашдилар. Бу табиийки, терим суръатига суръат қўшди. Шу боис бу йил давлатга пахта етказиб бериш бўйича зиммамиздаги мажбуриятни нафақат туманимизда, балки вилоятимизда пешқадамлар қаторида адо этдик. Ҳосилимизни тўлиқ юқори навларга сотдик. Хирмонимизга ҳам, ҳамёнимизга ҳам барака кирди. Юртбошимизнинг биз, Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида ажойиб бир нақл тилга олинибди. Даромадга яраша буромад! Биз ҳам ер эгаси бўлиб топган даромадларимизни эзгу орзу-ҳавасларимиз рўёби учун сарфлаяпмиз. Яқиндагина бир йўла икки ўғлимизга туманимизда замонавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойлардан иккитасини олиб бердик. Кувонмай бўладими, илгарилари бундай ютуқлар биз учун шунчаки бир ҳавас эди.

Ҳа, деҳқон меҳнати қанчалик машаққатли бўлмасин, унинг пировард натижаси ҳамиша мароқли бўлган. Вилоятимиз пахтакорларининг кунларни тунга улаб қилган саъй-ҳаракатлари бугун ўз қадру баҳосини топмоқда.

**Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ТИЛ БАЙРАМИ

**Чирчиқ шаҳридаги 2-умумтаълим мактабида ўқувчи-ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир шундай номланди.**

Иштирокчилар тилимизнинг нақадар буюк ва бойлиги аммо, айрим ҳолларда четдан кириб келаётган, миллий минталитетимизга хос бўлмаган сўзлар ишлатилаётгани ҳақида баҳс-мунозара юритдилар.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

**ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ, ЁРДАМ ОЛАСИЗ**

## ИШОНЧЛИ МАДАДКОР

**Бозор, савдо мажмуалари ва хусусий дўконларда харидорларга чек бермаслик, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилишдан бош тортиш, ҳужжатсиз товарларни сотувга қўйиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Вилоят давлат солиқ бошқармасининг кеча-кундуз ишловчи "Ишонч телефони"га умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги шундай нуқсонларга оид мурожаатлар келиб турибди.**

**ТЎЙТЕПА.** Кўп қатори Ўртачирчиқ туманининг Янги ҳаёт шаҳарчасидаги "ХТ Ўрмонов" савдо дўконида ҳам терминал ўрнатилган. Бироқ, ҳамма гап ундан фойдаланилмаслигида. Сотувчининг пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилишдан бош тортиши одат тусига кириб қолган. Харид тушумларини назорат-касса машинаси хотирасига киритишни ҳам кўпинча "унутиб" қўйишади.

"Ишонч телефони"га шу камчиликлар ҳақидаги мурожаатни текшириш чоғида хусусий тадбиркор Ш. Ўрмонов 2 минг 200 сўмлик харид учун харидорга чек бермагани, савдодан тушган 16 минг 900 сўмни назорат-касса машинаси хотирасига киритмагани аниқланди. Ҳужжатларсиз сотувга қўйилган 125 минг сўмлик товар вақтинча олиб қўйилиб, савдо қонун-қоидаларини менсимайдиган тадбиркорга нисбатан жазо чоралари кўрилди.

**БЕКОБОД.** Шаҳар деҳқон бозорининг ҳўл мевалар растасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз ва антисанитария ҳолатида колбаса, пишлоқ сотилаётгани ҳақидаги хабар текширилди. Ўтказилган рейд жараёнида "Ишонч телефони"га мурожаатномада келтирилган ҳолатлар тўла тасдиқланди. Шу куни Аҳмаджон Юсуповдан 150 минг, Равшан Ўринбоевдан 417,5 минг сўмлик ноқонуний сотилаётган гўшт ва пишлоқ олиб қўйилди. Тегишли ҳужжатлар суриштирув шўъбасига топширилди.

**ҲАСАНБОЙ.** Навбатчи қисм Тошкент ҳалқа автомобиль йўли бўйидаги "Пайнет" шахобчасида харид учун чек берилмаётганлиги, унинг ёнидаги дўконда эса, ҳеч қандай ҳужжатсиз дисклар сотилаётганлиги ҳақида хабар олди. Текшириш мобайнида Келес шаҳрида яшовчи Аъло Маннопов давлат рўйхатидан ўтказмай, ҳеч қандай ҳужжатсиз "Пайнет" шахобчасида фаолият юритиб келаётганлиги аниқланди. Умумий баҳоси 508 минг сўм бўлган 14 хилдаги товарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ҳужжатлар тадбиркорлик билан ноқонуний шуғулланаётган бу шахсга нисбатан чора кўриш учун тақдим этилди.

• • •

Кўриниб турибдики, ҳамма ҳам савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги қонунбузилиш ҳолатларига беэътибор эмас. Одамларда шундай фаоллик, талабчанлик кучайиб боргани сари бундай камчиликлар камайиб, барҳам топаверади. Зеро, "Ишонч телефонлари" истеъмолчиларнинг чинакам мададкоридир.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

САЛОМАТ БЎЛИНГ

# СОҒЛИҚНИ ЁШЛИКДАН АСРАНГ

Мактаб ўқувчилари кўп вақтларини таълим муассасаларида ўтказишади. Табиийки, бу даргоҳда соғлом овқатланиш ва санитария-гигиена талабларига риоя этишни таъминлаш таълим-тарбия масаласидан кам бўлмаган аҳамиятга эга.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, замонавий технологик тараққиётга "йўлдош" бўлган, ҳозир аҳоли орасида кўп учраётган касалликлар – қандли диабет, меъёридан ортиқ семириш, модда алмашувининг бузилиши ва қон айланиш, асаб ва овқат ҳазм қилиш тизимида учровчи касалликларга, афсуски, мактабданоқ "пойдевор" қўйилмоқда. Тез овқатланиш тизимлари савдосининг мактабларга ҳам кириб келгани жамоатчилик, энг биринчи навбатда ота-оналарнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу каби таомлар таркибида ҳайвон ёғи, канцероген моддалар, одам организми учун зарарли қўшилмалар – таъм ва ҳид берувчи сунъий концентратларнинг меъёридан зиёдлиги мурғак организмда қайтариб бўлмас асоратларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Қолаверса, бундай "тез тайёрланувчи" таомларни пишириш жараёни, унга керакли масаллиқ ҳамда тайёр маҳсулотларни сақлаш масаласига жиддий қаралмаётгани, назоратнинг бўшаштириб юборилгани ҳам охирги пайтларда тез-тез кўзга ташланаётир.

Бундан ташқари, анъанавий овқатланиш тармоқлари – мактаб ошхоналари ва буфетларидаги аҳволни ҳам қониқарли деб бўлмайди. Бу соҳага шунчаки "бизнес"нинг бир йўналиши сифатида қараш эса қимматга тушади, сифатсиз овқатланиш болаларнинг овқатдан заҳарланишларига ҳам сабаб бўлаяпти.

Ҳар томонлама тўкис, баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифага айланган айни даврда таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Таълим муассасаларида



соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

Биз ушбу қарорнинг аҳамиятига оид саволлар билан вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачининг ўринбосари Фарҳод Тожибоевга мурожаат қилдик.

**– Фарҳод Сайфиддинович, мазкур қарорнинг қабул қилинишига нима туртки бўлди?**

– Вилоят умумтаълим мактабларининг айримларида куни узайтирилган гуруҳлар учун иссиқ овқат ташкил этилган бўлиб, баъзи мактабларда эса овқатлар савдо тармоқлари орқали тарқатилади. Бугунги кунда таълим муассасалари ошхона ва буфетларининг тўлиқ ишламаслиги, ишлаётганларида ҳам болалар организмига фойдадан кўра, аксарият ҳолларда зарар келтириши эҳтимоли бўлган гамбургер, хот-дог каби таомлар билан савдо қилинаётир. Шу пайтга қадар тадбиркорлар таълим муассасаларидаги ошхона ва буфетларнинг иш тартибини бир тизимга солишмаган эди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ошпазларнинг ўзлари дўкон ва бозорлардан харид қилиб, дуч келган автотранспортларда олиб келмоқдалар.

Бу болалар ўртасида турли касалликларни келтириб чиқараётгани вазиятни шу тарзда ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжи туғилди, деб ўйлайман.

**– Вазирлар Маҳкамасининг қарори вазиятни ўнглаш учун қандай чораларни назарда тутади?**

– Юқорида айтганимдек, бу қарор ўз вақтида ва ўринли қабул қилинган бўлиб, ҳукуматимизнинг ёш авлодга ғамхўрлиги ва эътибори кучлилигидан далолат беради. Қарорда таълим муассасаларидаги ошхона ва буфетларни тадбиркорларга ижарага бериш тартибини белгилаб, болалар учун зарарли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига чек қўйиш, уларнинг сифати, хавфсизлиги, олиб келиш ва сақлаш, овқатларни тайёрлашда санитария-гигиена қоида ва меъёрларига риоя қилиш аниқ белгилаб берилган.

Болаларнинг ёшига ва кунлик эҳтиёжига мос тўйимли ва витаминларга бой таомлар билан овқатлантириш тартиби бир қанча илмий адабиётларда, санитария қоида ва меъёрларида белгилаб қўйилган.

Таълим муассасаларида сотилиши тақиқланадиган, таркибида болалар соғлиги учун зарарли моддалар бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини белгилаш ва тасдиқлаш республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклатилган. Ҳозир вазирлик мутахассислари, махсус лаборатория ходимлари ва соҳа олимлари мактаб ошхоналарида тайёрланувчи озиқ-овқат маҳсулотларининг таомномасини белгиловчи намунавий рўйхатни ишлаб чиқишмоқда.

**– Қарорга кўра, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишнинг асосий вазифалари нималардан иборат?**

– Аввало тайёрланаётган озиқ-овқатлар болалар соғлигига зарарли таъсир кўрсатмаслиги, уларнинг кундалик эҳтиёжини қондириш учун тўйимли, кимёвий таркиби ва бактериологик жиҳатдан фойдали бўлиши шарт. Қолаверса, сифатни кафолатловчи ҳужжатлари ва нархи арзон бўлиши керак. Энг асосийси, озиқ-овқатларни сотиш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши лозим.

**– Қарор ижросини таъминлаш ҳозир қандай аҳволда?**

– Бугунги кунда вилоятда 1517 та болалар муассасалари бўлиб, шундан 807 тасида ошхоналар ишлаб турибди. Уларнинг 223 тасида буфет ташкил қилинган, қолган 487 тасида ошхона ташкил этиш мўлжалланган бўлиб, вилоят ва шаҳар, туман ҳокимликлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий ишларни бошлаб юборишди. Ишонамизки, таълим муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланишини ташкил этишга оид саъй-ҳаракатлар ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларига катта замин яратади.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абулфайз САИДАСҚАРОВ суҳбатлашди.**

ФУТБОЛ

# НУРСИЗ ДУРАНГ

**Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионатининг олий табақасида иштирок этаётган жамоалар 24-тур ўйинларини ўтказдилар. Марказий учрашув Тошкентда бўлиб ўтди. Унда "Пахтакор" ва Наманганнинг "Навбаҳор" жамоалари майдонга тушдилар.**

"Пахтакор"дан Александр Гейнрихнинг иккита голи ва Одил Аҳмедовнинг 1 голига "Навбаҳор" Абдумалик Абдуллаевнинг ягона голи билан жавоб берди. Шу тариқа ўйин 3:1 ҳисобида "Пахтакор" фойдасига ҳал бўлди.

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган Бекободнинг "Металлург" жамоаси ўз майдонида Самарқанднинг "Динамо" жамоасини қабул қилди.

Ўйинда нурсиз дуранг – 0:0 ҳисоби қайд этилди.

Яна бир вакилимиз – "Олмалиқ" бу сафар меҳмонда Муборакнинг "Машъал" жамоасига қарши тўп сурди. Мезбонлардан Николай Риндюкнинг ягона голи "Машъал"га ғалаба келтирди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Нефтчи" – "Насаф" 1:2, "Локомотив" – "Қизилқум" 1:0, "Шўртан" – "Бунёдкор" 0:0, "Хоразм" – "Андижон" 1:1.

Навбатдаги 25-тур учрашувлари 31 октябрь куни бўлиб ўтади. Шу куни "Металлург" Тошкентда "Бунёдкор" меҳмони бўлса, "Олмалиқ" ўз майдонида Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасини қабул қилади.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

# ОЛДИНГА НАЗАР ТАШЛАНСА...

Ҳозир ультратовуш дарақчилари ўрнига сканерли белбоғ пайдо бўлган. У ривожланаётган ҳомила суръатини тўрт томонлама кўрсатадиган барча диагностик ускуналарнинг ўрнини босади.

Тиббий техниканинг яна бир намунаси Лондонда Philips компанияси ташкил этган кўргазмада намойиш этилди.

Унинг ёрдамида шифохонада ётган бемор ҳамма нарсани – ёруғликдан то товуш меъёригача назорат қилади. Беморнинг биоритмларини текшириб туриш билан бирга эрталаб майин овозда уйғотади.

Шунингдек, бемор қариндош-уруғлари билан гаплашадиган ва уларни кўриб турадиган телеэкран ҳам мавжуд. У кун бўйи ишлаб туради. Аппаратни яратган олимлар технологиянинг келажакда тиббиёт амалиётига кириб боришига ишонч билдиришмоқда..

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари доктори.**

(Интермедия)

# ҚАЛТИС ҲАЗИЛ

Кадрлар бўлимининг хонаси. Тўрда мудир Дармонов дафтарга нималарнидир ёзиб ўтирибди. Шу пайт Тешабоев киради. У бошлиқ билан ҳол-аҳвол сўрашиб, бир четга ўтиради.

**Дармонов:** – Келинг, Тешабоев. Нима гап?

**Тешабоев** (уф тортиб): – Бизга жавоб берасиз энди. Идорада ошимизни ошаб бўлдик. Энди мухбирлар айтмоқчи, қарилик гаштини суриб, уйда ётайлик.

(Тешабоев паспортини стол устига ташлайди. Дармонов уни олиб варақлайди, кейин эгасига қайтаради).

**Дармонов:** – Пенсиянгиз ҳали узоқ. Адашмасам, тағин бир йил ишлаб берасиз.

**Тешабоев:** – Қанақасига узоқ? Кўзойнакни тақиб, яхшилаб ўқинг. Мана, 50-йилда туғилганман. 17-майда роппа-роса олтмишга тўлдим. Йигирма саккиз йил шу идоранинг тупроғини ялабмиз. Етар энди.

**Дармонов:** – Олтмишга тўлганингиз рост. Лекин йигирма саккиз йил ишлаганингизга ишонмайроқ турибман, Тешабоев. Ҳозир кўрамиз-да.

(Бошлиқ шарақлатиб сейфни очади. Эски бир дафтарни олиб бармоқларига туфлаб варақлайди)

– Ҳозир кўрамиз... Тешабоев, Тешабоев... Ҳа, мана, Рўзиқуловнинг ёнида экансиз. Хўш, кейинги ўн йиллик фаолиятингиз билан танишиб қўйинг. Ўн йил ичида 136 марта ишга кечикиб келгансиз, 63 марта ишдан вақтли кетгансиз. Бир соатдан ҳисобласак ҳам ўн кун бўлади, тўғрими? Хўш, ўн йилда турли баҳоналар билан 128 кун ишхонада мутлақо кўринмагансиз. 56 кун командировкадан кечикиб келибсиз. Мазам йўқроқ, деб 46 марта ишхонадан вақтлироқ жўнаворгансиз...

**Тешабоев** (ғазабланиб): – Вой, иблис-ей! Ҳаммасини ёзиб юрган экан-да.

**Дармонов:** – Мен эмас, буни профкомингиз берган. Хафа бўлмайсиз.

(Бошлиқ дафтарни сейфга солиб қўяди)

**Тешабоев:** – Ўзи-чи, ўзи? Марҳум бобосини қайта ўлдига чиқариб, ўн кун ишга келмаган! Иғвогар!

**Дармонов:** – Билмадим, билмадим. Хуллас, сиз давлатдан роппа-роса ўн бир ойю икки кун қарздор бўлиб турибсиз. Марҳамат қилиб қарзингизни узинг, кейин ўзимиз карнай-сурнай билан кузатиб қўямиз.

(Тешабоев мунғайиб қолади. Пешонасини ишқаб анча ўтиради. Кейин мадад истаб Дармоновга термулади)

**Тешабоев:** – Менга қаранг, Дармонов.... Мансуржон, менга ёрдам беринг, жон укам... Бир кун ҳам ишлашга мажолим қолмади. Жуда чарчадим. Хўп денг, омон бўлсам бу яхшилингизни унутмайман.

**Дармонов:** – Иложим йўқ. Ахир оз эмас, салкам бир йил қарзсиз давлатдан. Аввал ишлаб беринг, кейин...

**Тешабоев:** – Ростдан ҳам шунча кун ишга кеч келибманми, а?

**Дармонов:** – Ҳм. Мана, шу йил 30 февралда ҳам ишга келмагансиз. Тўғрими?

**Тешабоев:** – Ёлғон! 30 февраль куни ишда эдим, аниқ эсимда. Туҳмат қилманг.

**Дармонов** (кулиб): – 30 февралда-я? Адашмаяпсизми?

**Тешабоев:** – Йўқ. Бекатда турсам, ён қўшним чиқиб қолди. Ғир этказиб ишхонага ташлаб қўйди.

(Дармонов ҳо-ҳолаб кулади)

**Дармонов:** – Ростдан ҳам чарчабсиз, ака. 30 февраль бўлмайди-ку?

**Тешабоев:** – (Бир пас анграйиб туради) Э, жин урсин сизни! Одамни шунақаям қўрқитасизми?

**Дармонов:** – Ҳазил-да, ака. Энди сиз билан қачон учрашамиз-у... Бир кулишдик-да, хафа бўлмайсиз. Табриклайман. Ўн кундан кейин чапак чалиб, ўзларини ҳам чоллар қаторига ўтказиб қўямиз. Ҳужжатларингиз тайёр.

(Тешабоев оғир тин олиб остонага боради. Ўйланади)

**Тешабоев:** – Бояги ёзувлар ростмикан? Дармоновдан қайта сўрасаммикан? Ке, қўй, қоғоз титкилаб нима қилдим. Ўтган умр ўтди. Бу ёғига тинчгина яшашни ўйлай энди...

**Саъдулла СИЁЕВ.**

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

# САБОҚ

– Илмли ва истеъдодли кишилар раҳмдил бўлишаркан, – деди Суҳроб. – Қайдам, сизга бу воқеани ҳикоя қилиб беришим жоизмикан? Нимагадир юрагимдагини тўкким келяпти, чунки кўрганларимдан ҳануз карахтман.

Мен унга, айтинг, дегандек тикилдим.

– Машҳурлар тўғрисидаги яхши гаплар ҳам, ёмон гаплар ҳам яшиндек тез тарқалади, дейишади. Мен у кишининг шаъни, шуҳрати ҳақида фақат ижобий фикрлар эшитганман, опа. Лекин эл-юрт улуғлаган, ғуруримиз, дея бошига кўтарган инсоннинг оиладаги ўрни... – Суҳроб яна ўнғайсизланди, кимгадир тегишли муҳим сирни очиб қўяётгандек, ўзини нохуш сезарди.

– Наҳотки, умр бўйи мисқоллаб йиғилган обрў ноқобил фарзандлар туфайли барбод бўлса? – ҳикоясини давом эттирди у. – Ахир, ана шу онанинг орқасидан бутун оила, қариндош-уруғ кўкрак кериб юрган-ку! Энди нафақага чиққанида, куч-қувватдан қолганида бир оғиз яхши гапга маҳтал бўлиб, каталакдек уйда ночор ўтирса-я?!

Суҳроб ҳаяжонланганидан кетма-кет сигарет тутатарди. Мен у таърифлаган кишининг исми-шарифини сўрамадим, бунга ҳожат йўқ эди. Аммо юракдан ҳис этдимки, Суҳроб онасиз ўсган, онага бўлган ёмон муносабатни ҳазм қилолмаган. Унинг фарзандлари ва набираларига бўлган нафратини ҳазм қилолмаяпти.

– Келин дам-бадам хорижга қатнайди, ўғил тижоратдан бўшамайди. Бўй етган қиз назоратсиз, ўғил невара гиёҳванд...

Уйларида анча кун устачилик қилдим. Менга овқатни ўша онахон инқиллаб-синқиллаб таиёрлаб беради. У кишини ортиқча уринтирмаслик мақсадида уйимдан егулик кўтариб бораман. Невара "Нексия"сини бувиси яшаётган пастқамгина уйга тирагудек ҳайдаб келади-да, сурбетларча ўдағайлайди:

– Буви, овқат борми? Буви, чой борми? Буви!..

Кампир шўрлик қоқиниб-туртиниб, ҳовлига чиқади. Аллақаёқларда дайдиб, кўзи қонга тўлиб келган на-





бирасини тергашга йўл бўлсин! Ишқилиб омон-эсон ётоғига кузатади-да, инқиллаб егулик ташийди унга.

Қиз набирасининг қорасиям кўринмайди, ора-сира либосини алмаштиришга келади, холос. Кейин кунми-тунми, қумга синггандек ғойиб бўлади. Ота-онасининг гапи унга бир пул, буви-ку, гўё бу уйда умуман йўкдек. Мен унинг шу хонадон қизи эканлигини ўрта ёшлардаги бир аёл икки боласини етаклаб кириб келганида билдим.

– Жувонмарг ўлгур, эримни йўлдан уриб, болаларимнинг ризқини қирқди-я, ризқинг қийилгур! – бояқиш аёл бувига ҳасрат қилди. – Бир ойдирки, эрим қорасини кўрсатмайди. Суриштириб билсам, котибасининг дугонасига, яъни сизнинг набирангизга илакишиб қопти. Ҳеч қаерда ишламасам, болаларимни қандай боқайин, ахир?!

– Болам, тинчланинг, киринг, бир пиёла чой...

– Чой ўтадими томоғимдан. Ҳозир қорнимни сизникида тўйдирарман. Аммо кўнглимни-чи, ким тўлдиради?! Болаларимни ким боқади? Топганини ўша мегажинга сарфлаб, таралабедод қилиб юраверса...

Аёл дунёнинг жами қарғишларини тўкиб солди. Бечора она, энди набирасининг хурмача қилиғи деб ер чизиб турибди. Ногаҳон бояги аёл уни таниб қолди:

– Вой, ўлмасам, сиз анови машҳур...

Онахон нигоҳи яна ерга қадалди.

– Йўқ, айланай, мен сиз айтган одам эмасман, унга ўхшайман, холос, – деди синиқ овозда.

Аёлни амаллаб кузатгач, ҳовлидаги каравотда узоқ ўтирди. Қарашга ботинолмаяпман-у, аммо зимдан кузатаман. Мижжалари ёшга тўлган, қўллари титраяпти.

– Ҳой, буви! Зажигалкам қани?! – нариги данғиллама уйдан ғўддайиб чиқиб келган ўн саккиз ёшлардаги йигитча бувисини қистовга олди. – Қорин очди, буви! Қоринни тўйдирмайсизми?!

– Ҳозир, жон болам... – кампир неварасининг вақт-бевақт ғужанак бўлиб ётиб олишидан чўчийди. Келини Туркияга кетганида онасининг қимматбаҳо тақинчоқларини пуллаб, наша олганиям онахоннинг бошига бало бўлиб ёғилган. Келин йўқолган матоҳларини мусичадек беозор қайнонасидан кўрганди. Шундан сўнг онани "беозоргина" дарвоза биқинидаги ҳужрага кўчириб қўйишди.

Бу ҳам ҳаёт-да, опа, унинг аччиқ ҳақиқатларию оғриқларидан қаёққаям қочиб қутулардик! Мартабали онанинг қисмати шундай якунланса-я?!

Ўйланиб қолдим. Суҳроб "бугун отамни кўриб келаман" деганида, унинг шу хонадон тақдиридан хулоса чиқарганини англадим.

– Ҳиндларнинг "Боғбон" фильмини кеча болаларимга қўйиб бердим, – деди Суҳроб маҳзун. – Омонат дунё, барчамиз ҳам омонатмиз, ахир! Ишу ташвишга боғланиб, тарбияни унутиб қўймайлик, дейман. Оқибати ёмон бўларкан...

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**

# ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Уйга тўшалган линолеум ва полларни ҳеч қачон иссиқ сув ва кир ювиш кукунлари билан ювмаслик керак. Уларни совун кўпиртирилган илиқ сув билан ювилса, бўёғи ўчмайди.

• • •

Агар ошхонадаги пичоқларингиз ўтмаслашиб қолган бўлса, уларни чархлашдан ярим соат олдин тузли сувга ботириб қўйинг. Шундан сўнг уларни чархлаш осон бўлади.

• • •

Полга тўкилган сиёҳни кетказиш қийин. Лекин бу доғларни новшадил спирти қўшилган сувга латта ботириб артилса, тезда кетади.

• • •

Локланган мебеллардаги иссиқ нарсалардан қолган доғлар эриган шам билан артилади. Сўнг устига бир неча марта бukланган қоғозни қўйиб, қайноқ дазмол бироз босиб турилади.

Агар доғ кетмаса, шу ишни яна бир марта қайтариш керак бўлади.

• • •

Сабзавотлари эзилмаган, мазали шўрва пиширмоқчи бўлсангиз, гўштни совуқ сувда қайнатинг, чиққан кўпикларини йиғиб олиб, гўшт пишгунча, бир соат атрофида паст оловда қайнатишни давом эттиринг. Сўнг яна бир марта кўпигини йиғиб олгач, пиёз, сабзи ва картошкаларни солиб, пиширинг.

• • •

Ванна узоқ вақт хизмат қилиши учун айрим қоидаларга амал қилиш керак бўлади. Яъни, бирданига совуқ сувни ёки қайноқ сувни очиб юборманг. Ванна деворлари чиниқиши учун аввал илиқ, сўнг қайноқ сувни очиш керак. Кескин ўзгарган иссиқ ва совуқ ҳароратдан ванна дарз кетиши ёки ювиб бўлмайдиган сариқ доғлар қолиши мумкин.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА тайёрлади.**

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан Миробод тумани, Қўйлиқ-1 даҳаси, 1-уйда жойлашган хизмат кўрсатиш объектига Шакиров Равиль Гафурович-га берилган № 11-289/2010 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный план квартиры, расположенный по адресу: С. Рахимовский район, массив Каракамыш 1/1, дом 23, кв 57, выданный Сабир Рахимовским БТИ на имя Ташпулатова Шокарима Шорахимовича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

"TOSHVILOYATTRANSEKSPEDICIYA" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр, бурчак штампи, шунингдек, ОАТБ "AGROBANK" Чилонзор филиали томонидан берилган чек дафтарчасининг № 3662154 рақамдан № 3662175 рақамгача бўлган варақлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

РАССОМ ХАНДАСИ




*– Чарчамай келдингизми, онаси? Уйни саранжомлаб, овқатни тайёрлаб қўйдим.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Абулфайз САИДАСҚАРОВ**
Навбатчи **Миранвар ЮНУСОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-940. Адади 5610. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.40. 1234